



2016/02 №35

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

IJOДИЙ PARVOZ



9 феврал —
Алишер Навоий
таваллуд топган кун

дедаҳо негмат

14 феврал —
Бобур Мирзо
таваллуд топган кун



Илм холмийси



«Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони дур».

Ислом КАРИМОВ

Алишер Навоийнинг «Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани, қарилик чоғи харж қилгил они» ҳикмати ҳаётий ҳақиқат эканлиги ўз исботини топиб келмоқда. Зеро, Навоий асарларида илму маърифатга бот-бот мурожаат қилиниши бежиз эмас. Шахсий намуна сифатида ҳам илмга алоҳида эътибор қаратиши ҳаётий аъмолига айланган. Хусусан, насрий асари «Вақфия»да мударрислар ва талабаларга ўз ҳисобидан йиллик маош, яъни «стипендия» тайинлаган. Шоир ўзининг ер-боғларидан тушадиган даромадларини мадраса ва унга қарашли жойларга сарфлаган. Бу ҳақида тарихчи Хондамир шундай ёзган: «Атоқли олимлар ва ҳурматга лойиқ санъат аҳлининг даражаларини кўтаришида ва мартабаларини оширишида қўлидан келган қадар ҳаракат қилиб, бундай ишларга катта аҳамият берди. Ўқувчилар фақат ўқиш билан машғул бўлишлари учун уларга нафақалар тайин этиб, мадрасалар бино қилди».

«Хамса»даги сўнгги дoston — «Садди Искандарий»да Навоийнинг илм маърифатга оид қарашлари ифодаланган.

Искандарнинг тарбияси, ўқитувчилари, олимлар ҳақидаги мушоҳадалар, файласуфларнинг машварати, Искандарнинг олимларга саволи ва уларнинг жавоблари баён қилинган. Шунингдек, «Хайрат-ул аброр» асарининг II мақолатида бир илм толибининг катта умидлар билан ўз шаҳридан йўлга чиқиб, бошидан кечирган кулфат ва машаққатларини тасвирлайди.

Зулм дурӯғ ушбуки бир нотовон,
Илм тилаб шаҳридан улгай равон.
Эғнида авроқи китоби анинг,
Қилгали таҳсил иштиоби анинг.

Хулоса шуки, Навоийнинг асарларини мутолаа қилишимиз бизни билимли қилиб қолмасдан, биздаги юксак инсоний туйғуларни, эл-юртга бўлган миллий ифтихорни шакллантиради. Асосийси, муносиблик ҳисси амалий ишлар билан қувватлантириб борилса, шубҳасиз, ҳазрат Навоий руҳи покларини шод бўлади.

Мухриддин СОДИРЖОНОВ
Маданият ва санъат соҳаси
менеджменти таълим йўналиши
2-курс магистранти



Буюк калом соҳибиди



«Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади».

Ислом КАРИМОВ

Улуг ўзбек шоири, тарихчи ва давлат арбоби, буюк бобурийлар салтанати асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий ижодини ўрганиш ва ундан ўрнак олиш биз ёшларда фахр туйғусини уйғотади.

Бобур кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан жой олди. Унинг нафис газал ва рубоийлари туркий шеърининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», аруз ҳақидаги рисоалари эса ислом қонуншунослиги, шеърини ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Унинг йирик «Бобурнома» асарини варақлар эканми, кўз олдимиздан Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига хос фазилат ва нуқсонлар, уларнинг тафаккур оламининг кенгли-

ги ҳамда мураккаблиги билан бирга, ўша даврдаги ҳаёт муаммолари, Бобур давлатидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг тўлиқ манзараси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Муаллиф «Бобурнома»да Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Беҳзод, Мирзо Улуғбек ва бошқа алломалар ҳақида ўзининг энг юқори фикр ва мулоҳазаларини билдиради. Шунингдек, асардаги нодир маълумотлар сабаб ушбу асар шоҳ асар номини олиб, тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳайратда қолдириб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур инсонпарвар, адолатпарвар, диний бағрикенглик хислатларини ўзида жамлай олган улуг шоҳ ва давлат арбоби, инсон ҳис-туйғуларини теран англай билган шоир сифатида умрбоқийдир.

Муҳаррам БОЗОРОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси
таълим йўналиши 1-курс талабаси,
матбуот бўлими аъзоси

Назми гулшани

Навоий ғазали

Бобур ғазали

Ишқдин ёнса таним сўрма сабаб,
Куйса хошоқ ёлдиндин не ажаб?

Эй юзи насрин, қомати шамшод,
Неча қилурсен жонима бедод.

Хўблар мактаб аро хайли нужум,
Ул қуёш ўртада моҳи мактаб.

Сен киби пуркор, шеваси бисёр,
Билмади, ей ёр, ҳеч киши ёд.

Хусн аро ишвау ноз эл кўнглин,
Онча олмаски, ҳаё бирла адаб.

Жаврда нодир, зулмда моҳир,
Ишвада қодир, ғамзада устод.

Нега матлуб тиларсен, чунким,
Не талабдур санга, не дард талаб.

Ёр ғамидин, ҳажр аламидин,
Сабр камидин нолаю фарёд!

Ҳажр аро хаста Навоийро фиғон,
Эй висол аҳли, сизу-лаҳни тараб.

Бобури бедил, эй бутти қотил,
Жаврунга мойил, зулмунга мутод.

Бокий наволар

Таълим даргоҳимизда бўлиб ўтган навбатдаги концерт дастурларидан бири ана шундай номланди. Халқ ижодиёти факультети, халқ ижодиёти ва анъанавий кўшиқчилик кафедраси доцент в.б., Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расуловнинг Мир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланган устоз-шогирд анъаналарини акс эттирувчи муаллифлик синф концертида халқ хофиз Оролмирзо Сафаров, хизмат кўрсатган артистлар Рустам Абдуллаев, Аҳмаджон Дадаев, етакчи жўрнавотлар Шухрат Қорабоев, Зоҳиджон Мамадалиев ва санъат оламининг келажак авлодлари ўзларининг дилга манзур чиқишлари билан қатнашдилар.

«Сайқал» созандаalar ансамбли ҳамда халқ ашула ва рақс жамоаларига раҳбарлик таълим йўналиши талабалари томонидан ижро этилган асарлар йиғилганларга манзур бўлди, ижрочилар маҳорати мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. Бундан авомли қарсақлар садоси мисолида ҳам ҳис қилиш мумкин бўлди.

Соҳибжон ҲОТАМОВ
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши
1-курс талабаси

Юрт ўғлонлари – миллат таянчи

**Ватанни қадрлаш юксак ифтихор,
Муҳаббат юракда мангу бурчимиз.
Бизлар ҳақиқатни этмаймиз инкор,
Аслида ҳаммамиз ҳимоячимиз!**

**Сен учун меҳримиз, сенга тасанно,
Бахту иқболинга сарфдир кучимиз.
Кўнгида самимий жаранглар садо,
Аслида ҳаммамиз ҳимоячимиз!**



Ҳақиқий мард, шижоатли ўғлонлар Ватан қорига ярайди. Маънавияти юксак ҳар бир юрт фарзанди — келажаги буюк давлатнинг пойдеворини мустаҳкамлаб яшамоғи шак-шубҳасиздир! Истиқлол фахри бўлиши бақувват қалқонларимиз бугун ҳар жабҳада ўз маҳоратларини синамоқдалар.

14 январ — «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан институтимизнинг 2-ТТЖ да 3-курс саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши талаба йигитлари ўртасида «Юрт ўғлонлари — миллат таянчи» номи остида «Йигитлар баҳси» бўлиб ўтди. Тадбир ташкилотчиси санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси ўқитувчиси Радха Хидирова беллашуви кўтаринки руҳда ўтказиш учун талабалар ўртасида асосан ижодий маҳорат намоишлари бўлишини таъкидлади.

Тадбирни кафедра мудири Омонулла Ризаев очиб бериб, институтимизнинг бугунги кундаги ютуқлари, шу жумладан, глобаллашув жараёнидаги воқеалар хусусида қисқача тўхталиб ўтди.

«Юрт ўғлонлари — миллат таянчи» номи беллашув иштирокчилари Мансурбек Рўзиев, Достонбек Раҳматуллаев, Шоҳрух Неъматов ўзларини қизиқарли шартларда синаб кўрдилар. Таништирув, шу билан бирга савол-жавоб босқичларида йигитларимизнинг илмий салоҳияти синновдан ўтказилди. Шоҳрух Неъматовнинг таништирув шартларидаги ўз қаламига мансуб «Қалб сири» номи фалсафий, тасаввуфий шеъри ҳайъат аъзоларининг ҳайратига сазовор бўлди. «Билимлар синови» савол-жавоб шартларида асосан мутахассислик маҳорати бўйича ҳамда Президентимиз асарлари хусусида саволлар ўртага ташланди. Иштирокчилар институтда олаётган билимлари, малакавий савиясини синновдан ўтказишди. Эркин мавзу шартларида эса иштирокчи йигитларнинг қизиқарли саҳна кўриниши намоиши бўлиб ўтди. Драматургия соҳасида таҳсил олувчи талабалар ўзларини актёрлик маҳорати борасида ҳам синаб кўриб, тайёрланган маҳсулоти чиқишини ажойиб талқинда ижро эт-

дилар. Айниқса, импровизация асосида намоиш этилган кичик саҳна кўриниши томошабинларнинг шўх кулгиси ва олқишига сазовор бўлди. Ҳайъат аъзолари санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси профессор-ўқитувчилари иштирокчиларни ҳаққоний баҳолаб бордилар.

Тадбир давомида курснинг бошқа истеъдодли талабалари Сайёра Аҳмаджонова, Салим Мадартов, Гулмира Дўсанова ўзининг шеърлари билан йиғилганларни хушнуд этди. Беллашув кўтаринки руҳда ўтди.

Тадбир якунида ҳайъат аъзолари томонидан иштирокчи йигитлар ҳамда бошқа талабаларнинг касбий маҳорати борасида илиқ фикрлар билдирилди. Профессор-ўқитувчиларимиз ёшларнинг қизиқиш ва изланишларини янада ўсиши учун муваффақиятлар тилади. Иштирокчиларга махсус диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Ажойиб ҳамда байрамона руҳда ўтказилган кеча учун беллашув ташкилотчиси 3-курс саҳна ва

экран санъати драматургияси таълим йўналиши талабалари курс ассистенти, педагог Радха Хидировага чексиз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Ҳаётда ҳар кимнинг ўзига яраша қобилияти, салоҳияти бор. Қобилияти бор инсон бахтли эмас, балки қобилиятини янада ривожлантириб, юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган инсонлар бахтли. Давлатимиз ўша бахтли инсонларни маънавиятли, ўқиб олий маълумотли бўлишлари учун барча шарт-шароитларни яратмоқда. Бизнинг институтимиз худди шундай замонавий олий ўқув юрти ҳисобланади. Зеро, биз талаба-ёшлар ўқиб, илм эгаллаб, нурафшон ҳамда ҳеч қачон ортга қайтмас кунларимизни қадрига етиб яшайлик!

**Сирожиддин РУСТАМ,
Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ**
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 3-курс талабалари



Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари Ватан ҳимоячилари куни олдида Нукус шаҳар, Кизикеткен ҳудудида жойлашган ҳарбий бўлимда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг йигирма тўрт йиллиги ва 14 январ — «Ватан ҳимоячилари куни»ни кенг нишонлаш мақсадида талаба-ёшлар томонидан тайёрланган «Таян-

Тадбирда сўзга чиққанлар соҳа вакиллари кутлар экан, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишимиз ҳақида фикр билдирди.

Талаба-ёшларнинг тайёрлаган концерт дастуридан ўрин олган «Пегас» қувноқлар ва зукколар жамоасининг чиқишлари йиғилганларнинг кўнглидан жой олди.

Ана шундай мард ва жасур ўғлонларимиз учун Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият



чим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан» шиори остида «Ватанни мардлар кўриқлайди» номи концерт дастури билан қатнашиб, аскарларнинг кайфиятларини кўтарди.

Байрамда филиал профессор-ўқитувчилари, талабалар, ёшлар, мутасадди ҳамкор ташкилот вакиллари, ҳарбий соҳа ходимлари қатнашди.

институтининг Нукус филиали талаба-ёшлари ва профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Оралхон ҚДЫРНИЯЗОВА
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг
Нукус филиали маънавий-маърифий ишлар бўлими ходими



Халқимизда сондай бир гəп бар — «Сен мəртлəршə тєк ғана алға умтылып жасасан, сонда ғана сєннєн үлкєн нəтијјєлєр шығады» — дейди. Сол сыяклы Қарақалпақ халқының мəрт кызы Гулбахар Ахымбетова бул сөзлєрди өз журєгиндє сақлап тєк алға умтылып жасаған дєсєк алжаспаймыз.

Ол 1987-жыл Нєкис қаласы Ахымбетовлар шаңарағында екінші пєрзєнт болып дўняға кєлєди. 1994-жыл Нєкис қаласындағы 32-санлы орта мєктєптє бирінші муғаллимлєринєн билимнің сырларын үйрєнє баслайды. Мєктєптє оқып жўргєн дəуириндє оның мəдєният тараўындағы дуўтардың сыйқырлы дауысына болған кушли мєхри хам кызығыўшылығы оны пайтахтымыздағы Əмет баксы атындағы балалар музыка мєктєбинє жетєклєйди.

Музыка мєктєбиндє жас талантлы кыз дуўтардың басланғыш сыйқырлы сырларын бирінші устазы Сапаргул Бəшєровадан үйрєнє баслайды. Оларды өзіндє жаксы єзлєстирип барады. Бул хəрєкетлєрди сєзгєн устазлары талантлы кыз Гулбахарды жас болыўына қарамастан 1998-жыл Ташкєнт қаласындағы Туркистан сарайында 1-июнь халқ аралық «Балаларды қорғаў» кўнинє арналып өткерилгєн концерт бағдарламасында Гулбахардың жєкє қосығын єң бирінші мəртє үлкєн сахнада атқарып шығыўына тўртки болған. Бул сахнада шығыўы Гулбахарда дуўтарға хам кєркєм — єнєр тараўына болған мєхрин хам кызығыўшылығын жəнє дє арттырады.

Гулбахар 2005-жыл «Зульфия» атындағы мəмлєкетлик сыйлықтың лауреаты болды. 2006-жыл Ўзбекстан Мəмлєкетлик Жəхəн тиллєри университети халық аралық журналистика бєлиминє имтихансыз оқыўға қабылланады. Сол дəрғайда оқып журип «Ўзбєгим ёшлари» ансамбльнєн ағза болады. Ансамбль ағзалары менєн биргєликтє Малайзия мəмлєктєиндє өткерилгєн халық аралық фестивалға Қарақалпақ халық қосықлары менєн қатнасып кайтады. Соның менєн биргє Франция, Испания қалаларында өткерилгєн халық миллий қосықлар байрамына қатнасты. Басқанда кєплєгєн халық аралық фестивалларға қатнасып 2010-жыл Ўзбекстан Мəмлєкетлик Жəхəн тиллєри университетин табыслы питкерип сол жылы ҚМУ журналистика қəнигєлиги магистратура бєлиминє грант тийқарында оқыўға қабылланады. Тынып-тыншымас Гулбахар магистрлық диссертациясын да табыслы жаклап магистр дəрєжєсинє ерисип өз жумысын Ўзбекстан Мəмлєкетлик кєркєм єнєр хам мəдєният институты Нєкис филиалында даўам єттирип кєлмєктє.

Ол халқымызда өткерилетуғын республикалық концерт бағдарламаларда өзинин номерлєри менєн қатнасып кєлмєктє. Буларды жаксы бақалай билгєн журтбасшымыз И.А.Каримов тəрєпинєн 2015-жыл «Дослық ордени» менєн жєкє өзи сыйлықлайды. Соның менєн биргє халқымызға кєрсєткєн хызмєтлєри ушын Қарақалпақстан Республикасының Конститутсиясы мунəсєбєти менєн Гулбахар Ахымбетоваға «Қарақалпақстан Республикасы халық баксысы» атағын бєреди. Мєн устазым менєн жўда мақтанаман мєндє сондай болыўды əрман єтємєн.

Гаухар НУРАТДИНОВА
Ўзбекстан мəмлєкетлик кєркєм єнєр
хам мəдєният институтының Нєкис филиалы
3-курс талабасы

Олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида тахсил олган талабаларни доим бир савол қизиқтириб келади. Бу таълимдан кейин 3 йил давомида мажбурий ишлаб бериш ҳақидаги савол. Ушбу қонун қарерда белгилаб берилган ва 3 йил давомида мажбурий ишлаб бериш қандай амалга оширилиши тўғрисида тўхталмоқчимиз.

Давлат гранти асосида тахсил олган бакалавриатура ва магистратура талабаларининг 3 йил давомида ишлаб бериш мажбурияти 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб амалиётга татбиқ этилган. Мазкур амалиёт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги ПҚ-92-сон «2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»-ги қарорининг 6-бандига асосан жорий этилган.

Президент қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини иж-

Уч йиллик мажбурият

тимой муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 7 июлдаги 58, 154-1, 19 ва 02/2658-сонли қарори билан тасдиқланган «Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида» Низом ишлаб чиқилган.

Мазкур низом олий таълим муассасаларида давлат грантлари асосида мақсадли тайёрланган кадрларни камида уч йил ишлаб бериш шарти билан таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш қоидалари ва тартибини белгилайди.

Унга кўра:

Олий таълим муассасаларини давлат грантлари асосида бакалавриятни тамомлаган битирувчилар магистратурага тўлов-

контракт асосида ўқишга қабул қилинган тақдирда, камида уч йил ишлаб бериш мажбурияти магистратурани якунлагандан сўнг амалга оширилади.

Агар битирувчи олий таълим муассасаларининг бакалаврияти ва магистратурасида давлат грантлари асосида ўқиган тақдирда, унинг ишлаб бериш мажбурияти камида уч йил деб ҳисобланади ва камида уч йил ишлаб бериш мажбурияти магистратурани якунлагандан сўнг амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларини тўлов-контракт асосида бакалавриятни тамомлаган битирувчилар магистратурага давлат грантлари асосида ўқишга қабул қилинган тақдирда камида уч йил ишлаб бериш маж-

бурияти магистратурани якунлагандан сўнг амалга оширилади.

Агар битирувчи талаба ўқишдан сўнг мажбурий ишлаб бериш вақтида ҳарбий хизматга ёки сафарбарлик чақирuvi резервидаги ҳарбий хизматга кетган бўлса, унда ҳарбий хизмат вақти мажбурий ишлаб берилиши лозим бўлган уч йиллик муддатга ҳам қиради.

Агар битирувчи талаба таълим муассасаси корхонаси ёки ташкилот мансуб бўлган тизимдаги (вазирлик, идора ёки бошқа хўжалик бошқаруви органи) бошқа таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда иш берувчининг розилигига кўра ишлаган муддат битирувчи томонидан мажбурий ишлаб берилиши лозим бўлган уч йиллик муддатга ҳам қиради.

Мавжуда РАДЖАБОВА
Институт юрист-консулти



«MOODLE» бу инглизча «Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment» сўзлари бирикмасининг қисқартмаси бўлиб, модулли объект мўлжалланган динамик ўқитиш муҳитидир. Бошқача айтганда, MOODLE — автоматлашган, компьютер ва Интернет технологияларига асосланган ҳолда таълимни бошқарувчи масофавий таълим тизими ҳисобланади.

Ҳозирда «MOODLE» тизимидан ривожланган мамлакатларнинг жуда кўплаб обрўли университетларида фойланилади. Унинг биринчи версияси Австралининг Пёрт университети ўқитувчиси Мартин Доужамас томонидан яратилган ва 2002 йили август ойида ўқитиш тизимига кириптилган.

«MOODLE» тизимининг асо-

сий тушунчаси бу ўқув курси ҳисобланади. «MOODLE» тизимида ҳар бир предмет ўқитувчиси ўзи олиб борадиган фанининг виртуал акси ҳисобланувчи электрон масофавий курс ташкил этади ва унга кундузги ўқиш тизимидаги ўқув материалларини, яъни маъруза матнларини, амалий, семинар, лаборатория машғулотлари топшириқларини, уларни бажаришга доир назарий маълумотларни, аудио ва видео маълумотларни жойлаштиради. Ўқув курси барча керакли манбалар ва элементлар билан тўлдирилганда кундузги ўқув тизимини қўллаб-қувватловчи электрон масофавий таълим тизимига айланади. Энди семестр бошида фан ўқитувчиси ўзининг ўқувчиларини ўз фани курсига ёзади ва уларга курсга кириш учун «логин» ва «парол» беради. Талабалар эса бу «логин» ва «па-

рол» орқали фан ўқитувчиси томонидан тайёрланган курсига кириб, у ерда кундузги таълимда берилган билимларга оид маъруза материалларини ўқишлари, топшириқларни бажаришлари, семинар ишларини ёзишлари, назорат саволларига жавоб беришлари, оралиқ ва якуний тест синовларида қатнашишлари, гуруҳдаги бошқа талабалар билан чат, форум ёки электрон почта орқали бирор бир масалани муҳокама қилишлари, бирор бир лойиҳа устида биргаликда ишлашлари мумкин. Шу билан бирга талабалар курсда бажарган вазифалари учун автоматик равишда баҳо олади. Энг асосийси, талабалар бу ишлар билан курс топшириқларини бажариш учун белгиланган муддат ичида истаган жойида (аудиторияда, уйда, кўчада) ва истаган вақтида шуғулланишлари мумкин. Шу билан бирга талабалар фан ўқитувчилари билан

доимий алоқада бўлади. Ўқитувчилар эса ўз навбатида ўз талабаларининг курсдаги топшириқларни бажараётганлиги ёки бажармаётганлигини билиб туради. Топшириқларни бажармаган талабаларга топшириқларни бажариши кераклиги ҳақида хабар жўнатиши мумкин. Бу тизимда кўпроқ талаба актив бўлади. Бундан ташқари талабалар қўл телефонлари орқали ҳам курсга киришлари ва у ердаги ўқув материаллардан фойдаланишлари мумкин.

«MOODLE» тизими ўқув жараёнига тўғри йўналтирилса, кундузги таълим тизимини тўлдириш орқали унинг самардорлигини оширишга катта ҳисса қўшилади.

Саҳобиддин ХУДОЙБЕРДИЕВ
Информатика ва табиий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Касбий таълим: чолғу жамоаларига раҳбарлик таълим йўналиши 4-курс талабалари институти-миз катта ўқитувчиси Туратов Собир акага чексиз миннатдорчилик билдиради. Талабаларнинг ҳар бири устознинг чолғу санъатини мукамал эгаллашда астойдил қилган меҳнатларини қадрлайди. Ҳаёт сабоқларидан тортиб, 4 йил мобайнида турли чолғу асбобларини сабр-тоқат билан ўргатиб, жамоа бўлиб ишлашни, аҳиллик, бирдамлик туйғуларини шакллантира олган шогирдлар устоздан бир умр миннатдор.

Анбанавий ижрочилик таълим йўналиши 3-курс талабаси Гулнора Фаизуллова: Ҳаётда мақсадларим қўп, улар орасида устозларимнинг йўналиши бориш энг олийси. Гулзода Худойназарова, Бегзод Сафаров, Гузал Мўминова каби устозларимга ҳавас қилиб, уларнинг ҳар бир гапларидан санъатга бўлган меҳрим кундан кун ортади. Шундай устозлар менга дарс бераётганидан фахрланаман.

Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши 3-курс талабаси Азиза Аҳмедова: Баҳодир Магдиев устозимиз ҳаммамизнинг дўстимиз. Ўртак олишимиз учун уларда барча хислатлар жам. Дарс жараёнларини шундай қизиқарли ва юракдан ўтадики, ҳамма бир бутун бўлиб уларни тинглайди.

Касбий таълим: ашула ва рақс ансамбллари раҳбарлик таълим йўналиши 3-курс талабаси Жаҳонгир Тошматов: Хурият Исроилова дарсда мукамал методлардан фойдаланиб, барчамизни фарзандларидек яхши кўради. Уларга раҳмат ай-



таман.

Театршунослик таълим йўналиши 3-курс талабаси Махфуза Ашурова: Омонилла Ризаев бизнинг суянчимиз, биргина курсимизни эмас, олдиларига келиб ҳар қандай маслаҳат сўраган талабаларнинг таянчи. Маслаҳатлари яшашга бўлган, инсонларга бўлган, энг муҳими, соҳамизга бўлган иштиёқимизни оширади. Уларнинг қимматли маслаҳатлари соҳамизнинг янги уфқларини очиб беради, курсдошларимиз орасида дўстона ришталарни яратиб беради. Ва яна кафедрамиз ўқитувчилари Фахриддин Абдувоҳидов, Шаҳно Хамидова каби устозларга дўстларим номидан миннатдорчилик билдираман.

Муסיқий театр актёрлиги таълим йўналиши 4-курс талабаси Асқаржон Маъмуров: Бизнинг курс жуда кўп тажрибали устозлар қўлида 4 йил мобайнида дарс олди. Ҳар бирига миннатдорчилик билдириб, таъзим қилсак арзийди. Биринчи навбатда курсимиз номидан юртимизнинг чинакам тирик афсонаси устоз Баҳодир Йўлдошевдан дарс олиб, соҳамизни ўрганиш учун имконият яратиб бергани учун институтимиз ректори Бахтиёр Сайфуллаевга ташаккур билдираман. Шу ўринда, курс раҳбаримиз Олимжон Дадамирзаевга ота ўрни-

да ота бўлиб, бор билимларини аямасдан биз билан мунтазам иш-лашларни учун раҳмат айтамыз. Шокир Юсупов, Шавкат Пирматов, Рудакий Алланбаев, Рамзиддин Қодиров устозларимиз ҳам ўзларининг жонкуярликлари билан алоҳида меҳримизга сабаб бўлди. Биз институтимиздаги бу каби устозлари олдида қарздормиз.

Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги таълим йўналиши 4-курс талабаси Бахтиёр Болтаев: Курс раҳбаримиз Фаррух Эгамбердиев, драма назарияси фани устози Бахтиёр Якубов, саҳна нутқи фани устози Исоқтой Жумановлар билимимизни анча юқори поғонага ошира олдилар. Биргина Бахтиёр Якубов устоз барчамизни қўллаб асарларни ижоддан орттиб ҳам ўқитишга мажбурлай олди. Бу мажбурият бүгунги кунда ва келажакда пойдевор бўлишини аниқ айта оламиз. Курсимиз билан 4 йил мобайнида бизга дарс бериб қўллаб-қувватлаган устозларга ташаккур айтамыз. Барчамиз институтимиз фахри, устозлар ишончини албатта оқлаймиз.

Кўғирчоқ театри актёрлиги таълим йўналиши 4-курс талабалари: Курс раҳбаримиз устоз Абдуллаев Дониёр Долимжоновичга ташаккур айтамыз. Эрта жудолик

бизларни устоздан айирган бўлсада, уларнинг бир умрга татиғулик билимлари, меҳр-муҳаббатларини унутмаймиз. Устознинг хотиралари бизларнинг ижод намуналаримизда яшаб қолади. Бундай инсон билан ишлаш бахтига муяссар бўлганимиздан бахтлимиз. Устознинг фидокорлиги, соҳасини севиб бизга севира олгани ёдимизда абалдий қолади.

Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 4-курс талабалари: Бизни доим тушуниб келган курс раҳбаримиз, отамиздек азиз инсон Эркин Аъзам, сизни яхши кўрамыз. Кўплаб адабиётларни таништириб, танита олган сиздек инсон танҳо. Сизнинг олдингизда бош эгамиз. 4 йил мобайнида дарс берган устозларимизга мингдан-минг раҳмат айтамыз.

Касбий таълим: фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик таълим йўналиши 3-курс талабаси Дилфуза Муҳиддинова: Устоз Жўра Шукуров ташаббускорликлари, соҳасининг чин маънода му-тахассислиги, энг муҳими, ҳар бир талабасига алоҳида кўрсата олган эътибори меҳримизнинг сабабчиси бўлди. Сиздай фидокор устозлар кўпайса, талабалар ўз мақсадларидан адашмайдилар.

Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 1-курс талабалари: Қадим Шарқ мамлакатларида бир воқеа юз берган экан. Сизу биз тенги ўспирин ўзига яқин дўст, меҳрли ҳамроҳ, сотмайдиган сирдош, миннат қилмайдиган маслаҳатчи сўраб донишманд олдиға келибди-ю, муддаосини айтибди: менга айтинг-чи, қандай инсон меҳнатини ҳеч қачон пулламайди? Қандай инсон мисли денгиз; тош отсанг-да сув сачратмай ютаверади, қандай инсон куёшдирки, меҳри билан дилингга қувват, ҳаётга муҳаббат беради? Қандай инсон эзгу ва ҳайрли режалар учун замон ва макон танламайди?

Донишманд жавоб берибди: Куёшнинг нурларини эса биз фақат кунда кўрамыз, унинг меҳри замон танламайди, денгиз ҳам қачондир қурир, лекин ул инсоннинг кечиримлилик дунёси сўнмайди... У устоздир...

Бизлар Омонилла Ризаев, Кўчқор Норқобил, Фахриддин Абдувоҳидов, Баҳромжон Йўлдошев, Шоира Рамазанова, Адолат Сайфуллаева, Муқаддам Содиқова каби устозлар меҳнатини оқлаб, уларга миннатдорчилик билдириш билан бирга ўзимизнинг юксак интеллектуал салоҳиятимиз, бор билим, иқтидоримиз орқали юксак зафарларни эгаллашга ва бу боранда ҳар қанча меҳнат қилишга ҳамиша тайёرمىз.

Дурдона Бону ЎРОҚОВА,
Сумбула МЎМИНОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 4-курс талабалари,
Соҳибжон ҲОТАМОВ
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 1-курс талабаси

КАДРИЯТЛАР САЙКАЛ ТОПАЖАК

2016 йил 22 январ Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида ўтказилган «Номоддий маданий мерос ва фольклор ижрочилиги санъати» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциядан кўзланган мақсад ва муддао атрофлича. Жумладан, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ қадимий урф-одатлар, азалий қадриятлар доирасида фольклор санъати ижрочилиги анъаналарини тиклаш ва бойитиш, уни пухта ўрганиш орқали келажак эгалари бўлмиш ёш ав-

лодни халқ ижодий меросига қизиқишини янада ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари белгилаб олинди.

Конференция ташкил этилишида институт ректори, профессор Бахтиёр Сайфуллаев (раис), халқ ижодиёти факультети профессор-ўқитувчилари С.Ўйлошова, Ж.Эшонкулов, А.Хайдаров (Республика Халқ ижодиёти ва маданий маърифий ишлар илмий-методик маркази раҳбари), С.Жумаев, Ж.Шукуров, Ш.Рўзиев «Но-



моддий маданий мерос ва фольклор ижрочилиги санъати» лойиҳаси тадқиқотчиси, О.Ахмедова фаоллик кўрсатдилар. Тадбир уч қисмдан иборат бўлиб, дастлаб ялпи мажлисда иштирокчи ҳамда меҳмонлар йиғилишди.

Шундан сўнг «Бободехқон култи тарихига оид айрим мулоҳазалар» (А.Аширов ЎзРФА Тарих институти, т.ф.д., профессор), «Достон муқаддима-

си ва эпик ижодкор маҳорати» (Ж.Эшонкулов — ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ф.ф.д.), «Вопросы изучения танцевального фольклора и особенности узбекского национального танца» (И.Г.Горлина — Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби профессори), «Роль музеев в сохранении нематериального наследия» (М.Б.Юлдашева — Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти доценти) каби қатнашчиларнинг маърузалари тингланди.

Назарий ва илмий мулоҳазаларга бой маърузалар якунида ижодий жамоалар томонидан «Фольклор ижрочилиги санъати дурдоналари» мавзусидаги концерт дастури тақдим этилди. Малакали мутахассислар ва амалиётчилар ҳамда ЎзДСМИ фольклор-этнографик жамоа-

ларига раҳбарлик таълим йўналиши талаба ва магистрлари томонидан тайёрланган чиқишлар ижрочилиги анъаналарининг ўзига хос ҳудудий жиҳатларига оид қизиқишларнинг янада ошишига сабаб бўлди, дейиш ўринлидир. Куннинг иккинчи ярмида мавзусига биноан беш бўлимга ажратилган шўба мажлислари давом этди.

Айтиш жоизки, мазкур илмий-амалий конференцияда номоддий маданий мерос ва фольклор ижрочилиги санъати, этномаданий қадриятлар, халқ оғзаки ижодиётини ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқот йўналишларини белгилаб олишда муҳим асос бўлиб хизмат қилиши гоят аҳамиятли.

Камолитдин ИСАЕВ
Халқ ижодиёти
(фольклор ва этнография)
таълим йўналиши
1-курс магистранти

Куртаксиз ҳам дарахт гуллайди...

Ёлғизман, юрагим ёлғиз. Бир ўзи қон ютиб алам, алдов, хиёнат, ёлғон азоблар ичида яшамокда. Бу қандайин ҳаёт эканки, у бир ўзи танҳо бўлса-да, чидамоқда? Барчасига нима сабаб? Нима уни кучли қилмоқда? Сабрми? Балки, ироладир...

Во ажаб, тақдирнинг синовлари жуда кўп экан. Ишонганларим, умид боғлаганларим муқаддас ришталарни ҳеч бир сўзсиз узишса. Тогдай суянчингман, дея кўксини қулоч сиққудек очган қўллар энди каро тун сингари кўзларимга парда тортсалар...

Наҳот, ўнқир-чўнқир тошлар товонимни кесганда чида-

ган бардошим мени оғушида овутиб, кўз ёшларимни артган киприklarим ёлғон сўз айтмоқчи, кимларнидир дилини огритмоқчи бўлсам йўлимни тўсган дулоқларим ҳам бошқалар каби менга хиёнат қилган бўлса?

Хайҳот, қандай чидайди энди юрагим? Ёлғизликнинг кучоғида қанча яшар экан? Қалбимни ёритгани нур келарми?

Гирдоб мени тортмоқда ўз қаъри томон. Умидларим занжирбанд бўлган ушбу кун. Ҳеч бири мени ёнимга кела олмас, ё кўрқар ёки бўлмаса мендан чарчаган. Ишонсизликдан нафас олгани мадорим йўқ. Бу зулматдан мени ким қутқаради?

Ахир ўзимники бўлган соям ҳам шу тун мени танҳо қолдирди-ку...

Соғинч қийнамоқда. Юрак меҳрга муҳтож. Нигоҳлар телба. Юрак танҳоликдан азобланса ҳам чидашим шарт, бу сўз қулоқларим остида такрор-такрор эшитилади. Мен учун қадрли инсон сўзлари.

Биласизми, бу ҳаёт бебаҳо. Ҳар кимга ҳам насиб этмаган. Мен учун қачон бўлмасин «оппоқ зиё» келади, у мени, мени зор қилган қўллар, қора кўзлар, сохта сўзлар олдида самоларга олиб чиқиб эркалайди... Келади, ўша тақдирнинг минг синовида қийналган қизга яна орзу, умид, бахт келади... Ишонч бор жойда, куртаксиз ҳам дарахт гуллайди...

Зулхумор АКБАРОВА
Саҳна ва экран санъати
драматургияси
таълим йўналиши
4-курс талабаси

Шеърят — касб билан ёш танламайдиган соф ва самимий туйғулarning қоғозда саф тортган суратидир. Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши 1-курс талабалари «Шеърят бўстони» саҳифасининг меҳмони.

КАЙЛАРДА ВАЖ?

Кўзларимни юмсам, борлигинг топсам,
Йўқотиб қўймасдим бошқа ҳеч қачон.
Сен ўтган кўчанинг ҳавосин ўпсам,
Дунёга қайтарман яна ўша он.



Умида СУЯРОВА

Ҳаммадек қора қош ўзимда ҳам бор,
Оддийгина кўзим камон ё ўқмас.
Кўрқма, қўндирмасман қалбингга ғубор,
Биламан, бу орзум эртаси ё ўқмас.

Сабрим соҳиллари тинчланиб турар,
Балким яқиндасан, балким узоқда.
Ўйласам тирилиб юрагим урар,
Мисоли тургандек висол тузоқда.

БЎСТОНЧИМ



Мунисахон СИДДИҚОВА

Бағрида не-не зотлар ўтган Ватаним,
Чўлларида бир чўндан боғ яратган боғбоним.
Боғларида олма-ю, бойчечагу райҳоним,
Онамдайин муқаддас, ҳар бир ери бўстоним.

Бу Ватанинг муқаддас даргоҳлари кўп эрур,
Бу Ватан тупроғининг посбонлари зўр эрур.
Бу Ватанда туғилмоқ ғурур эрур юртдошим,
Онамдайин муқаддас, ҳар бир ери бўстоним.

САЎБА АПКОР

Ҳеч бир туйу тантана,
Санъаткорсиз ўтмайди.
Ёқимли, шўх куйлари,
Кўнглини тарк этмайди.

Санъаткорга осон деб,
Ўйлашади баъзилар.
Санъаткор ҳам халқим деб,
Дилдан куйлар, азизлар.
Тинчликнинг шукронасин,
Куйлаб яшар санъаткор.

Эрта-ю кеч ижодни,
Ўйлаб яшар санъаткор.

Санъат қадрин билади,
Санъатни тушунганлар.
Ундан сабоқ олади,
Санъатни тушунганлар.

Халққа хизмат қилишдан,
Ҳеч толмасин санъаткор.
Тинч замоннинг бахтига,
Омон бўлсин санъаткор!



Сирож КАРИМ

ҚИСКА ХИКОЯЛАР

Бу нарсдан жудаям қувонади:

Сайрга чиқса ҳаммиша ҳамроҳи бор, ҳаммиша кулги у билан бирга. Фақат бир муаммага кунига ўн мартаб дуч келади:

Қанийди, ногиронлик аравасига ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўрнаша олса...

Мен уни ўлғудай ёмон кўраман, иқлимнинг ифлосланаётганлигига унинг ҳам мана шу ҳаводан нафас олаётганлигини сабаб қилиб кўрсатаман. Қаршимдан чиқиб қолса, сочларини битталаб юлгим келади.

— Сен менинг ҳаётим, мен сенсиз яшолмайман, — дедим йўлларини тўсиб.

— Ортиқ мен ҳақимда ўйламанг, — деди.

— Мен сизни севаман, сиз

менинг жону жаҳонимсиз, — дедим пойига гуллар сочиб.

— Сиз менинг тенгим эмасиз, — деди.

Оқшомлари деразасини чертиб, тонглари дарвозасига гулларни сочиб кетадиган бўлдим.

— Бекор овора бўляпсиз, биз барибир бирга бўлмаймиз, — деди.

Ғурур йўл қўймадим унутиш пайига тушдим. Осонгина енгилгим келди, курашишни истамадим. Ўзим айтган баландпарвоз гапларга ўзим шайдо бўлиб юрдим узоқ вақт. Қаршимдаги йўл чизиклари ягона эди: барчасига кўникиш ва хотираларни унутмоқ. Энг ёмони, булар уддаланди.

У яна қаршимда... Хиёл жилмайиб шивирлади:

— Сиз ҳам менинг ҳаётимга айланиб бўлибсиз...

Кунгабоқар қуёш нурларига

жизғанақ бўлган чоғида жаҳл қилиб, булутга унинг юзини абадий тўсиб қўйишини илтимос қилади.

Касбим шифокор. Ишим шу қалар кўпки, яқинларимга, охириги пайтларда ота-онамга ҳам вақт ажратолмаётман.

Кечагина олдимга бир болакайни олиб келишди. Юз-кўзи дарддан эмас, бошқа нарсдан ғамгузор. Озгина шамоллабди. Хайрон қолдиргани, такрор ва такрор мендан сўрайверди:

— Дўхтир амаки, қашон ўяман?

У билан суҳбатлашганимдан сўнг кўз ёшларим юзимни ювиб тўхтамади. Тўхтатишга куч тополмадим. Кўксимга муштираб йиғлашни биламан холос. Уни маҳкам кучоқлайману, бағримдан ююлмайман.

— Нега ундай дейсан, болажон?

— Аями шоғиндим...

Соҳиб НАЗАР
Саҳна ва экран санъати
драматургияси таълим йўналиши
1-курс талабаси

Муассис

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир хайъати:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА
Умида ҲАСАНОВА
Шохруҳ АБДУРАСУЛОВ
Рашид УСНАТОВ
Масъул котиб:
Соҳибжон ҲОТАМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер:
Умида ҲАСАНОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани, Яллонғоч мавзеси, 127 А уй
Тел: +99890 349 71 72;
+99871 230 28 13
www.dsml.uz; dsml_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машғал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан 2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.